2015 ЙИЛ 1 МАЙ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (12.909)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Ўзэкспомарказ»да коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси, қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплексларининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бошланди.

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 мартдаги «2015 йилда Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг очилиш маросимида мамлакатимизда таркибий ислоҳотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва маҳаллийлаштириш, ривожланган инфратузилмани шакллантириш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини янада юксалтириш бўйича самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми – 7,9 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми – 6,3 фоиз ўсди. Шунингдек, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,2 фоиз, чакана товар айланмаси – 15,2 фоиз ва хизматлар ҳажми – 13,1 фоиз кўпайди.

Анъанавий ўтказиб келинаётган тармоқ саноат ярмаркалари ва кооперация биржалари иқтисодиётимизни янада жадал ва барқарор ривожлантириш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий ва самарали технологияларни жорий қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси маълумотларига кўра, корхоналарнинг ушбу тадбирларга бўлган қизиқиши тобора ортмоқда. 2014 йилда ўтказилган тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида қарийб 340 саноат корхонаси 1,9 минг турдан ортиқ маҳсулотларни тақдим этди. Улардан 90 тури Маҳаллийлаштириш дастури асосида ўзлаштирилган янги маҳсулотлардир. Тадбирларга 4,5 мингга яқин киши, жумладан, хорижий фирма ва компаниялар вакиллари ташриф буюрди. Саноат форуми якунида саноат кооперацияси бўйича маҳсулот етказиб бериш юзасидан қиймати 139,5 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Экспорт шартномаларининг қиймати эса 64,7 миллион долларни ташкил этди.

Жорий йилги саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат», «Ўзбекчармпойабзали» уюшмалари ва Озиқ-овқат саноати корхоналари, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва бошқа ташкилотлар таркибига кирадиган 530 дан ортиқ корхона уч мингдан зиёд турдаги саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари ва хизматларни намойиш этмоқда.

Чарм-пойабзал саноати корхоналари ўз маҳсулотлари билан алоҳида ажралиб турибди. Соҳанинг етмишдан ортиқ корхонаси 400 дан зиёд турдаги юқори сифатли пойабзал, чарм-атторлик буюмлари ва спорт маҳсулотларини тақдим этган.

– Мамлакатимиз чарм-пойабзал саноати катта салоҳиятга эга, – дейди «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси бош мутахассиси Шуҳрат Алиев. – Чармга ишлов бериш технологияларининг такомиллаштирилаётгани, шунингдек, бой хомашё базасининг мавжудлиги сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни ички ҳамда ташқи бозорга етказиб беришни кенгайтириш имконини яратмоқда. Ўтган йили саноат форумида 34,5 миллион сўмлик шартнома имзолаган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткични 46,5 миллион сўмга етказишни режалаштирмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда)

Жасорат, бурч, матонат

ТИНЧЛИК ШУКРОНАСИ

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Пойтахтимизда ҳам мазкур байрам муносабати билан турли тадбирлар, кекса авлод вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар томонидан уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга совғалар, зарур дори-дармонлар топширилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ўқувчи-талабалар нуронийларнинг уй юмушларига, турар жойларини таъмирлашга ёрдам бераётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда жорий йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонлари уруш ва меҳнат фронти фахрийларига кўрсатилаётган юксак эҳтиромни янги босқичда давом эттиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

– Туманимизда йигирма нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва қарийб уч юз нафар меҳнат фронти фахрийлари яшайди, – дейди «Нуроний» жамғармаси Сергели тумани бўлими раҳбари Темур Бойқулов. – Уларнинг саломатлигини асраш, тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, ёшлар тарбиясига йўналтирилган тадбирларда фаол иштирокини таъминлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Сергели тумани ҳокимлиги, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари Амир Темур номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ниғмон Ортиқовнинг хонадонида бўлиб, Президентимиз номидан отахонга «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали ва пул мукофотини тантанали равишда топширди.

94 ёшни қаршилаган Ниғмон ота бу эътибордан тўлқинланиб, тинч-осойишта, фаровон ҳаётимиз барқарор бўлишини сўраб дуо қилди.

– Тинчликнинг қадрига етишимиз керак, болаларим, – дейди ЎзА мухбирига отахон. – Умрим давомида кўп воқеа-ҳодисаларни бошимдан ўтказдим. Мустақиллик йиллари ҳаётимнинг энг сермазмун даври бўлди. Куни кеча фахрийлар учун ташкил этилган чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтиб келдим. Санаторийда дам олишим учун бепул йўлланма беришди. Маҳалла вакиллари, мактаб ўқувчилари тез-тез келиб, ҳолимдан хабар олиб туришади. Бугунги тинч, фаровон замонда яшаётган ёшлар ҳар дамда шукрона айтса арзийди. Ўқиб-ўрганишдан, меҳнат қилишдан асло толмасин. Ҳаётимиз бундан ҳам гўзал, юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

Сайёра ШОЕВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН МУҲОКАМАЛАР ЎТКАЗИШДИ

30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилишлари ўтказилиб, уларда қўйи палата мажлиси кун тартибига киритилган масалалар кўриб чиқилди. Айниқса, депутатлар асосий эътиборни муҳокамага киритилган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига қаратдилар.

Конституциямизга киритилган бир қатор тузатишлар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимиз Конституциясига киритилган тузатишларга мувофиқ ижроия ҳокимият органлари, ҳокимларнинг вакиллик органлари олдидаги масъулияти кучайтирилди. Хусусан, Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини белгилайдиган қоидалар билан тўлдирилди.

Конституциямизга киритилган мазкур демократик меъёрларни амалга ошириш механизмларини яратиш мақсадида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун янги 25[1] модда билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳисоботлари тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман ва шаҳарнинг ўтган йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг якунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тақдим этилади.

Ҳокимларнинг ҳисоботини муҳокама этиш Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида, шунингдек, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашларида белгиланган баҳолар ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

— Маълумки, ҳар йилнинг январь ойида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси ўтказилади. Унда ўтган йилнинг натижаларига кўра Ҳукумат, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари фаолиятига кенг баҳо берилади, шунингдек, келгуси йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб олинади. Шундан сўнг, жойларда ана шундай йиғилишлар ўтказилади. Мазкур амалиёт ўзининг самарадорлигини кўрсатди ва давлатнинг устувор вазифалари ҳамда стратегияси амалга оширилишининг бориши юзасидан тизимли таҳлил ва доимий назоратни таъминлаш имконини беради. Конституциямиз талабларидан келиб чиқиб, мазкур қонунга киритилган қўшимчалар эса вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ўтказиладиган шу каби йиғилишларда ҳокимларнинг ҳисоботини муҳокама қилишни назарда тутади, — **дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси К.Эрназаров.** – Бу эса ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқишда узвийликни, юқори турувчи органлар томонидан белгиланган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда самарали муҳокамалар ташкил этилишини, ҳокимлар томонидан ҳисоботлар тақдим этилишида такрорийликни истисно этишни таъминлашга ва пировардида маҳаллий вакиллик органларининг ролини оширишга хизмат қилади.

— Халқ депутатлари Кенгашида ҳокимларнинг ҳисоботлари тақдим этилиши ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва келгуси йилнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишлар билан бирга ўтказилишининг белгиланиши амалиётда ўзини оқлайди деб ҳисоблаймиз, — **дейди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси М.Хусанова.** — Қонунга киритилаётган қўшимчада халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларининг иштирок этиши имкониятининг белгиланиши муҳокамаларни янада демократик тарзда ўтишига, ҳокимларнинг, шунингдек, депутатларнинг ҳам масъулиятини оширишга хизмат қилади.

— Қонун лойиҳасининг эътиборга молик жиҳатларидан яна бири, муҳокама якунларига кўра халқ депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилинади, унда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ва ҳокимлар ишининг самарадорлигига комплекс баҳо берилиб, уларнинг ишини янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ва таклифлар, шунингдек, қарор амалга оширилишининг бориши устидан назоратни таъминлашга доир чора-тадбирлар назарда тутилмоқда, — **дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакили Ф.Эшматова.**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида тегишли ҳужжатларни ОАВ ва веб-сайтларда эълон қилиш шартлиги назарда тутилмоқда.

— Қонун лойиҳасида назарда тутилаётган халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари ва ҳокимлар ҳисоботларининг расмий нашрлар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари веб-сайтларида эълон қилиниши шартлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашга хизмат қилади, — **дейди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ё.Холёров.**

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги масъулиятини оширишни таъминлайди. Қонуннинг амалда татбиқ этилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва пировард натижада ҳар бир фуқаронинг, жамиятнинг манфаатлари ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамалар якунига кўра, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шунингдек, депутатлар Қонунчилик палатаси ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган фестиваль тадбирларида сенаторлар, депутатлар, олимлар, санъаткорлар ва ёшлар иштирок этди.

● Нукусда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Мусобақаларда спортчиларнинг сафда юриш ва мерганлик маҳорати, умумсиёсий ва жисмоний, фуқаро муҳофазаси, тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш каби йўналишлар бўйича тайёргарлиги синовдан ўтказилди. Амударё тумани Дўрмон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг «Жанговар» жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Фарғона вилояти Тошлоқ агросаноат касб-ҳунар коллежида амалий машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган республика ўқув-семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ташкил этилган семинарда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган касб-ҳунар коллежлари мутахассислари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари иштирок этди.

● Термизда ўтказилган IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳудудий босқичида 160 ишлаб чиқариш корхонаси уч юздан ортиқ турдаги маҳсулотини намойиш этди. Ярмарка доирасида 10 миллиард 529 миллион сўмликдан зиёд шартномалар имзоланди. Тадбир доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Унда кўплаб ёш мутахассисларга ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

ЖАҲОНДА

● Сўнгги маълумотларга кўра, Непалда рўй берган кучли зилзилалар натижасида ҳалок бўлганлар сони 5844 кишига етган, 11175 нафар одам эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Жумладан, Катманду шаҳрида қутқарувчилар гуруҳи вайроналар ортидан тирик қолган тўрт ойлик болани қутқариб олишди. Тахминларга кўра, жуда қувватсизланиб қолган ушбу гўдак вайроналар остида камида бир кеча-кундуз давомида қолиб кетган.

● Чилида Кальбуко вулқони яна «уйғониб», ундан кул ва лава отила бошланди.

● Венесуэлада кучли жазирама ҳукм сураётганлиги боис мамлакат маъмурлари давлат хизматчилари учун иш кунини саккиз соатдан беш ярим соатга қисқартиришга қарор қилдилар.

● Фукусимадаги атом электр станциясида рўй берган носозликдан сўнг фаолияти тўхтатиб қўйилган «Сэндай» атом электр станциясининг биринчи ва иккинчи рақамли реакторлари хавфсизлик юзасидан ўтказилган текширувлардан сўнг суд қарорига кўра жорий йилнинг июль ойидан яна ишлай бошлайди.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 2015 — 2016 ўқув йили учун магистратура тингловчилигига номзодларни қабул қилиш тартиб-қоидалари, академиядаги таълим жараёнига бағишланган тақдимот ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳридаги Давлат ва жамоат ташкилотлари, хўжалик бошқаруви раҳбарлари ҳамда Академиянинг профессор-ўқитувчилари ва магистр тингловчилари иштирок этишди.

Тадбирда мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ҳар томонлама юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелдаги Фармонига асосан мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг изчил ривожланиши, бозор ўзгаришлари ва иқтисодиётни бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш вазифаларини замонавий талаблар даражасида ҳал этишга лаёқатли бўлган давлат бошқаруви соҳасидаги юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни янада такомиллаштириш мақсадида ушбу олий таълим муассасаси қайта ташкил этилди.

Маълумки, Давлат бошқаруви академияси мамлакатимиз миқёсида маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун бошқарув кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ихтисослашган давлат ва жамият бошқаруви соҳасида фундаментал ҳамда илмий-амалий изланишлар олиб борувчи олий таълим муассасаларидан биридир. Академияда жорий этилган таълим тизимига кўра бошқарув кадрлар икки йиллик таълим дастури асосида ўқитилиб, уларга «Давлат бошқаруви» ва «Жамият бошқаруви» мутахассисликлари бўйича магистрлик даражаси берилади.

«Давлат бошқаруви» (Master of Public Administration – MPA) магистрлик дастури – давлат, тармоқ, минтақавий, шунингдек, корпоратив бошқарув соҳаларида замонавий менежмент, тизимли таҳлил ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни ташхислаш, бошқарув қарорларини қабул қилиш асослари ва амалиёти, стратегик режалаштириш усулларини эгаллаган раҳбар кадрларни тайёрлашга йўналтирилган.

«Жамият бошқаруви» (Master of Public Sector Management –MPSM) магистрлик дастури ижтимоий бошқарув, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижтимоий соҳа муассасалари, сиёсий партиялар ҳамда бошқа ижтимоий ташкилотлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини бошқариш соҳасидаги бошқарув кадрларни тайёрлашга мўлжалланган.

Мазкур йўналишлар бўйича магистратурани муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўзини ўзи бошқариш органларида, фуқаролик жамияти институтларида, ижтимоий сектор ташкилотларида, нодавлат нотижорат ташкилотларда, халқаро ижтимоий муассасаларда ва ижтимоий бошқарувнинг халқаро органларида, шунингдек, ижтимоий ташкилотларда, бошқа нодавлат, давлат ҳамда ҳокимиятнинг маҳаллий органларида, ташкилотлар ва фуқаролар билан алоқалар бўйича бўлимларда ўз касбий фаолиятларини амалга оширишлари мумкин.

– Академияда йўлга қўйилган таълим тизими юқори малакали бошқарув кадрларни тайёрлашда яхши самара бермоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Малака ошириш курси тингловчиси Сайёра Эгамбердиева. – Ўқитувчиларнинг билим даражаси ва тажрибаси жуда юқори. Буни ушбу таълим муассасасида ўқиётган тингловчиларнинг билими, дунёқараши ва фикрлаш доирасининг кенглигидан билиш мумкин.

Тақдимотда академия фаолияти, ўқитиш жараёнлари, яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил сўз юритилди. Йиғилганларни қизиқтирган барча саволларга профессор-ўқитувчилар ва тингловчи-магистрлар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Абдуалим САЛИМОВ

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Адлия бошқармаси ҳамкорлигида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда ҳуқуқшунос-олимлар, экспертлар, маънавият тарғиботчилари, пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимлари, талаба-ёшлар иштирок этди. Аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, турмуш даражасини янада яхшилаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, маънавият-тарғибот ишларининг самарадорлигини таъминлаш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

— Иккинчи жаҳон уруши юртимизга соя солган пайт уч ёшда эдим, — дейди Чилонзор туманидаги Лутфий маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Ҳури Олимжонова. — Машъум урушнинг оқибату уқубатларидан олган хулосаларим бутун ҳаётимда, айниқса, салкам ўттиз йиллик физика-математика фанлари бўйича ўқувчиларга берган сабоқларимда мени тарк этмади. Ҳозир ҳам кекса авлодга оид давлат сиёсатининг самараси ўлароқ, маҳалла аҳли билан ёш авлод тарбияси, камолоти йўлида меҳнат қилишдан асло толмайман. Ватанпарварлик юртни севиб-ардоқлашдан ташқари, оила ва жамият учун ҳалол меҳнат қилишда, фидойиликда намоён бўлади.

Тарғибот лойиҳаси давомида тингланган маърузаларда мустақиллигимизнинг маънавий негизлари, ҳуқуқий замини, миллий давлатчиликни қарор топтиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий принципларини ва устувор йўналишларини, Ватанимиз ютуқларининг халқаро эътирофи ҳаётий мисол ва таҳлиллар асосида талқин қилинди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу йилги тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида жадал ривожланаётган транспорт соҳаси ҳам алоҳида ўрин олган. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси ва «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналар ўзининг саноат салоҳиятини намойиш этмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси таркибидаги «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси саноат форумида магистрал ва манёвр тепловозлари, электровозлар, юк вагонлари, махсус вагонларни капитал таъмирлаш бўйича хизматларни таклиф этаётир. Ушбу корхона саноат ярмаркалари ва кооперация биржаларида фаол иштирок этаётгани самарасида Олмалиқ ва Навоий конметаллургия комбинатлари, «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси, Шўртан газкимё мажмуаси, «Ўзкабель» қўшма корхонаси ва бошқалар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси таркибидаги «Бекободйўлсаноат» ишлаб чиқариш корхонаси, «Чинозйўлиндустрия» саноат корхонаси, «Ўзйўлмашсервис» давлат унитар ишлаб чиқариш корхонаси, «Ўзйўлбутлаш» республика бошқармаси ва бошқа корхоналар 2013 — 2014 йилларда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган янги турдаги маҳсулотларни намойиш этмоқда.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналари ойна ва ойна маҳсулотлари, гипсокартон маҳсулотлари, қуруқ қурилиш қоришмалари, алюмин-пластикли композит панеллар, мармар ва гранит буюмлари, том ёпишда ишлатиладиган материаллар каби кенг турдаги маҳсулотларни тақдим қилмоқда.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси вакилларининг сўзларига кўра, тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида иштирок этиш бугунги кунда тармоқ корхоналари учун муҳим аҳамиятга эга. Негаки, соҳада 11 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятида фаоллаштирилган оҳак ва темир-бетон плиталари, «Uz Oyna» масъулияти чекланган жамиятида ойна ишлаб чиқариш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, шунингдек, Жиззах вилоятида цемент асосида пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси стенди тадбирга келганларда қатта қизиқиш уйғотмоқда. Уюшма ёғ, мой, гўшт, сут, консерва, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 180 дан ортиқ корхонани ўз таркибида бирлаштирган. Соҳада фаолият юритаётган 50 дан зиёд корхона қуюлтирилган сут, сариёғ, пишлоқ, творог, йогурт каби юздан ортиқ турдаги маҳсулотларни намойиш этмоқда.

– Корхонамиз маргарин ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, – дейди «Sarbon Baraka Biznes» масъулияти чекланган жамияти маркетинг бўлими бошлиғи Ойбек Ёқубов. – Жорий йилнинг август ойида янги турдаги маҳсулот – музқаймоқ ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдамиз. Бугунги кунда янги технологик линия учун асбоб-ускуналар харид қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ушбу масалаларни ҳал қилишга кўмаклашади. Таъкидлаш жоизки, саноат форуми доирасида иштирокчи корхоналар ўз маҳсулотларининг тақдимотини ўтказиб, ҳамкорлик учун таклифлар беради ва маҳсулотларни етказиб бериш бўйича, шунингдек, янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштиришга доир шартномалар тузади.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири
Аъло Абдуллаев
олган суратлар

ФАВВОРАЛАР САЙЛИ

Мустақиллик йилларида пойтахтимизда олиб борилган кенг кўламдаги ишлар ва янги замонавий биноларнинг қад ростлаши шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда.



Фавворалар — тинчлик, гўзаллик ва фаровонлик рамзи. Улар бугун юртимизнинг кўркам қиёфасига ярашиб, ўзгача зеб бериб турибди. Пойтахтимиздаги фавворалар ҳамшаҳарларимизнинг севиб ҳордиқ чиқарадиган энг диққатга сазовор жойларига айланган. Айниқса, шаҳримиз фавворларининг куй-навога жўр бўлиши, турли рангларда жилоланиши ўз атрофига барчани чорлайди.

БУГУН Тошкентда «Фавворалар сайли» ёшлар маданий-маърифий тадбирлари ўтказилмоқда.

Энг хушманзара, бетакрор ва жозибали фавворалар атрофида ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар ёш авлоднинг маънавиятини ошириш ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни гўзал анъаналар руҳида камол топтиришга хизмат қилади.

Тошкент шаҳридаги барча фавворалар атрофида ҳамшаҳарларимиз, меҳмонлар ва ёшларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун ташкил этилган «Фавворлар сайли» барчага кўтаринки кайфият улашади.

Фавворларнинг нафис ҳаракати кишиларда ҳайрат, кўтаринкилик, шоду хуррамлик уйғотиши шубҳасиз. Бу демак, беихтиёр дилларни бугунги дориломон кунлар учун шукроналик ҳисси чулғайди.

Зиёда РАСУЛОВА

Жасорат, бурч, матонат

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёзувчи ва шоирлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси Э.Боқибоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида пиру бадавлат кексаларимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларга муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган фахрийлар ҳолидан хабар олиш бугунги авлоднинг фарзандлик бурчидир.

Шу кунларда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда шу йил 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонлари асосида оғир ва машаққатли йилларда жасорат ва матонат кўрсатган нуронийларимиз ҳар жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

– Уруш миллионлаб юртдошларимизнинг ҳаётига зомин бўлди, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, профессор Мухтор ота Расулов. – Сафдошларимизнинг қанча-қанчаси жанггоҳларда қолиб кетди. Бугун ўша фидойи ўғлонлар хотираси азиз. Омон-эсон қайтганларнинг қадри юксак. Халқимиз, шогирдларимиз ардоғида умргузаронлик қилаётганимиздан бахтиёрмиз. Тинч-осуда юртда, тўкин замонда фарзандларимизнинг ютуқларидан фахрланиб яшашдан бахтиёрмиз.

Санъат усталари ва ёшлар иштирокида тинчлик, Ватан ва истиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

ФАХРИЙСИ БОР ХОНАДОННИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига Президентимиз Ислом Каримов номидан «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали ва пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари Лабзак маҳалласида яшовчи уруш қатнашчиси Григорий Гончарукнинг хонадонига келиб эсдалик юбилей медали ва пул мукофоти топширганда унинг кўзлари қувончдан намланди. Нуроний отахоннинг шодлигига яқинлари, маҳалладошлари ва шогирдлари, ёшлар шерик бўлди.

Григорий Лаврентьевич урушдан сўнг ҳозирги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаб, узоқ йиллар тумандаги 34-мактабда география фанидан дарс берди. Турмуш ўртоғи Раиса хола ҳам қирқ йилдан ортиқ бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади.

Кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларнинг ўгит-маслаҳатлари ёшлар учун доимо ибрат. Лабзак маҳалласида яшовчи кўпчилик фахрий муаллимни табиатни севувчи, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида яхши билади. Григорий Лаврентьевич уйига йўқлаб келганларга ёшлигидаги суратларини кўрсатишни хуш кўради. Оловли жанггоҳлардаги хотиралари, қуролдош дўстлари ҳақида эслайди, халқимизнинг бағрикенг ва самимийлиги хусусида тўлқинланиб гапиради. Мустақиллик йилларида нуронийларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими тобора такомиллашгани, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида эканини, бундан фахрийлар ҳаловат топаётганини таъкидлайди.

Юрт тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатганларнинг хизматлари ҳеч қачон унутилмайди. Мамлакатимизда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамиша эъзозда. Оғир қийинчиликларга, уруш йилларидаги машаққатларга мардона бардош берган боболаримизнинг ибратли ҳаёти билан халқимиз доимо фахрланиб яшайди.

– Мустақил Ватанимизда ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини юзага чиқариши учун яратилган чексиз имкониятларни кўриб, гўё яшаргандек бўламан, чин дилдан қувонаман, – дейди Г.Гончарук. – Бугунги эътибор ва эҳтиром қалбимизни шукрона ва шодликка тўлдирди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ИНСОН ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

«Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Инсон қадри азиз, хотираси – муқаддас!» лойиҳаси доирасида Хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, ғалабанинг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан шаҳарча ҳудудида жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи 10 нафар уруш қатнашчиларининг ҳолидан хабар олинди ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда байрам табрикномалари улашилиб, эҳтиром кўрсатилди.

«Камолот» фаоллари ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларидан иборат бир гуруҳ талаба-ёшлар иштирокида ўтган учрашувда қарияларимизни қадрлаш, кексаларимизни эъзозлаш, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг кўнглини кўтариш барчамизнинг фуқаролик бурчимиз саналиши таъкидлаб ўтилди.

Инсонни улуғлаш, унинг қадрига етиш, ўтганлар руҳини шод этиш ўзбек халқига хос энг азалий ва боқий қадриятлардан бири саналади. Иккинчи жаҳон урушидан инсониятга неча минг кишиларнинг ёркин хотираси қолди. Миллат қаҳрамонларининг муқаддас ёди ва уларнинг эзгу амаллари бугун келгуси авлод учун буюк келажакка замин яратиши билан бирга авлодларнинг қалбига фахрланиш туйғусини абадий мухрлади. Бу ёруғ кунларга етмаган миллат фидойиларининг хотираси эса авлодлар қалбида мангу яшайди.

Зарина РУСТАМОВА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 4

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чой». Х/ф.
7.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 «Тинч океани». Х/ф.
9.30 «Руҳшунос». Т/с.
10.10 «Иқлим».
10.20 «Ватанпарвар».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Шаҳар четидаги шифохона». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Ҳидоят сари».
14.45 Миллий сериал: «Сержантлар».
15.15 «Ҳаёт». Х/ф.
15.40 «Заковат».
16.40 «Қишлоқ ҳаёти».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Суҳбатдош».
17.20 «Қорачиқ».
17.40 «Агроолам».
18.00 «Иқлим».
18.05 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
18.50 «Иқлим».
19.05 «Имконият».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»/рус/.
20.05 «Муқаддас ришталар». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.25 – 23.10 «Доктор Хаус». Т/с.
23.10 «Ватанпарвар».
00.00 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
00.40 «Агроолам».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Сержантлар».
2.00 «Шарқ тароналари».
2.15 «Иқлим».
2.20 ТелеТеатр: «От йиғлаган томонда». 1-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади».
5.10 «Қорачиқ».
5.35 – 5.55 «Қишлоқ ҳаёти».

Ёшлар
6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Вельвет галереяси». Т/с.
7.40 «Ёшлик наволари».
8.00 «Хотира саодати».
8.10 «Изабелла». Т/с.
9.30 «Афсона ва ҳақиқат».
9.50 «UzEX».
10.00 «Камолот-инфо».
10.10 «Бир қадам». Т/с.
10.50 «Навоий набиралари».
11.10 «Мўъжизавий дунё».
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Кўрғон». Б/ф.
14.50 «Юрт келажаги».
15.10 «Сўз ёшларга».
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 «Қилни қирқ ёриб». Т/с.
17.40 «Соғлом ҳаёт».
18.00 «Сенга ошиқман». Т/с.
18.50 «Ардоқ».
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Буюк юрт фарзандлари».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Сенга ошиқман». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Астерикс ва Обеликс Цезарга қарши». Б/ф.
00.20 «Илҳом қанотлари».
2.10 «Ўзбек адабиёти».
2.40 «Афсона ва ҳақиқат».
3.00 «Мўъжизавий дунё».
3.50 «Кўрғон». Б/ф.
5.20 «Камолот-инфо».
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент
5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
6.20 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
6.55 «Тошкент вақти».
9.10 «Лус Мария». Т/с.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.20 «Хорошая жена». Т/с.
11.15 «Фантастическая четверка». Х/ф.
13.15 «Дилбандим» тележурнали.
13.45 «Poytaxt-reportaj».
14.15 «Тақдирлар».
14.50 «Poytaxt-biznes».
15.10 «Интиқом». Т/с.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.15 «Сен учун». Б/ф.
17.55 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Ҳимоя».
18.35 «Мобильная камера».
18.50 «Poytaxt-intervyu».
19.00 «Телемаркет».
19.15 «Лус Мария». Т/с.
20.20 «Шимол ва жануб». Т/с.
21.10 «Пойтахт йўлларида».
21.35 «Poytaxt-eko».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Однажды в Голливуде». Х/ф.
00.05 «Профессионал».
00.25 «Poytaxt-Hi-tech».
00.35 «Сайёр камера».
1.00 «Poytaxt-eko».
1.10 «Хорошая жена». Т/с.
1.50 «Poytaxt-biznes».
2.10 «Ажойиб йил». Б/ф.
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».

Спорт
6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Қорақалпоқ спорти».
6.25 АНОНС.
6.30 «Орзулар кемаси».
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Sport Meteo».
8.35 Интерфутбол.
10.20 АНОНС.
10.25 «Спортимиз маликалари».
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 Профессионал бокс.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 Байдарка ва каноэ. Европа чемпионати.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
15.30 Теннис. ATP/WTA турнири.
16.30 Интерфутбол.
18.10 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Спорт сайёраси».
18.25 «Техноспорт».
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Болалар спорти».
19.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
20.25 Шашка бўйича Осиё чемпионати кундалиги.
20.35 «Футбол шарҳи».
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Байдарка ва каноэ. Европа чемпионати.
23.05 От спорти. Халқаро турнир.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 Енгил атлетика. Халқаро турнир.
2.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
3.35 АНОНС.
3.40 «Рудд Гуллит». Ҳужжатли фильм.
4.55 АНОНС.
5.00 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал
05.00 Новости
05.10 «В наше время»
05.55 Х/ф «Случай с Полыниным»
07.35 Х/ф «Женя, Женечка и «Катюша»
09.00 Новости
09.15 «Непутевые заметки»
09.30 «Пока все дома»
10.15 Фазенда
11.00 Новости
11.10 «Теория заговора»
12.10 Х/ф «Дело было в Пенькове»
13.55 «Татьяна Самойлова. «Моих слез никто не видел»
14.55 Х/ф «Летят журавли»
16.35 «Война и мифы»
18.20 Т/с «Диверсант»
20.00 «Время»
20.15 Т/с «Диверсант»
22.20 «Эшелоны на Берлин»
23.20 «Великая война»
00.10 Х/ф «Отряд особого назначения»
01.30 Х/ф «Неотправленное письмо»
03.05 «Две славы солдата и актера»

Россия
05.40 Х/ф «Мы с вами где-то встречались»
07.35 Х/ф «Кубанские казаки»
09.50 Х/ф «Мастер и Маргарита».
14.00, 20.00 Вести
14.15 Х/ф «Мастер и Маргарита»
20.35 Т/с «Истребители. Последний бой»
23.55 Т/с «Жизнь и судьба»
01.45 Х/ф «Батальоны просят огня»
03.10 Х/ф «Привет с фронта»

НТВ
05.05, 00.15 Т/с «Хозяйка тайги-2. К морю»
07.00, 09.00, 12.00, 18.00 Сегодня
07.15 Х/ф «Оружие»
09.20, 12.20 Х/ф «Чужие крылья»
15.05 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
18.25 Т/с «Лесник»
22.15 Х/ф «Антиснайпер. Новый уровень»
02.05 Т/с «Катя»
04.00 Т/с «Москва. Три вокзала»

ЧОРШАНБА, 6

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Чой». Х/ф.
7.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Орбита». Х/ф.
9.30 «Руҳшунос». Т/с.
10.10 «Хотира юки». Теленовелла.
10.25 «Иқлим».
10.40 «Навоий олами».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Шаҳар четидаги шифохона». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Устурлоб».
14.35 Миллий сериал: «Сержант-лар».
15.05 «Ҳаёт». Х/ф.
15.30 «Мўъжизалар макони».
16.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
16.45 «Кўзгудаги юрт».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Нигоҳ».
17.35 «Заркент».
17.45 «Иқлим».
17.50 «Сен ёлғиз эмассан».
18.05 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
18.50 Иқлим.
19.05 «Менинг боғим».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Муқаддас ришталар». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 – 22.45 «Доктор Хаус». Т/с.
22.45 «Менинг боғим».
23.00 «Хотира юки». Теленовелла.
23.15 «Мўъжизалар макони».
23.40 «Кўзгудаги юрт».
00.00 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар».
00.40 «Навоий олами».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Сержантлар».
2.00 «Шарқ тароналари».
2.15 «Иқлим».
2.20 ТелеТеатр: «От йиғлаган томонда». 3-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади».
5.10 «Заркент».
5.20 «Кунларнинг бирида».
5.35 – 5.55 «Қишлоқ ҳаёти».

Ёшлар
6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Вельвет галереяси». Т/с.
7.40 «Ёшлик наволари».
8.00 «Хотира саодати».
8.10 «Изабелла». Т/с.
9.20 «Томчида қуёш».
9.30 «Афсона ва ҳақиқат».
9.50 «UzEX».
10.00 «Давр».
10.10 «Бир қадам». Т/с.
10.50 «Автопатруль».
11.10 «Мўъжизавий дунё».
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Бахтли одамлар». Б/ф.
14.50 «Қишлоқдаги тенгдошим».
15.20 «Ҳаёт хавфсизлиги».
15.50 «UzEX».
16.00 «Давр».
16.10 «Қилни қирқ ёриб». Т/с.
17.40 «Давр мавзуси».
18.00 «Сенга ошиқман». Т/с.
18.50 «Ардоқ».
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Буюк юрт фарзандлари».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Сенга ошиқман». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Астерикс ва Обеликс Олимпия ўйинларида». Б/ф.
00.30 «Ош бўлсин!»
1.00 «Ўхшайди-ку!»
2.40 «Афсона ва ҳақиқат».
3.00 «Мўъжизавий дунё».
3.50 «Бахтли одамлар». Б/ф.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент
5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
6.20 Миллий сериал: «Қисмат битиги».
6.55 «Тошкент вақти».
9.10 «Лус Мария». Т/с.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.20 «Хорошая жена». Т/с.
11.15 «Лысый нянька». Х/ф.
13.15 «Шаг за шагом».
13.45 «Қонун доирасида».
14.15 «Кадр ортида».
14.30 «Обод хонадон».
14.50 «Poytaxt-biznes».
15.10 «Шимол ва жануб». Т/с.
16.15 «Тан соқчи». Б/ф. 2-қисм.
17.45 «Poytaxt-sport».
17.55 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Бахт кўрғони».
18.45 «Poytaxt-reportaj».
19.00 «Телемаркет».
19.15 «Лус Мария». Т/с.
20.20 «Шимол ва жануб». Т/с.
21.10 «Холис назар».
21.35 «Poytaxt-Hi-tech».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Рыцарь дня». Х/ф.
00.05 Ҳикматли дунё: «Қалб».
00.30 «Дилбандим» тележурнали.
1.00 «Poytaxt-Hi-tech».
1.10 «Хорошая жена». Т/с.
1.50 «Poytaxt-biznes».
2.10 «Тан соқчи». Б/ф. 1-қисм.
3.30 «Профессионал».
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».

Спорт
6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Куч бирликда».
6.40 «Осиё футболи».
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Насаф» (Ўзбекистон) – «Ал-Аҳли» (Саудия Арабистони)
9.55 АНОНС.
10.00 Байдарка ва каноэ. Европа чемпионати.
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT NEWS».
11.10 АНОНС.
11.15 «Шоҳсупага йўл».
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 Теннис. ATP/WTA турнири.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
15.25 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Фулад» (Эрон) – «Локомотив» (Ўзбекистон)
17.05 Кўл жанги. Жаҳон чемпионати.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техноспорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 «Sport Meteo».
18.55 «Евротайм».
19.45 Шашка бўйича Осиё чемпионати кундалиги.
19.55 «Спорт-маркет».
20.00 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Пахтакор» (Ўзбекистон) – «Ал-Шабаб» (Саудия Арабистони). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда хабарлар.
22.30 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси. «Персиполис» (Эрон) – «Бунёдкор» (Ўзбекистон)
00.10 АНОНС.
00.15 «SPORT REPORT».
00.25 Хоккей. Жаҳон чемпионати.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Енгил атлетика. Халқаро турнир.
2.55 Велоспорт.
3.55 Баскетбол.
4.55 АНОНС.
5.00 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал
04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 Новости
07.05 «Пусть говорят»
